

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ”

китобини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ”

китобини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

**78.342 (5 Ў)
Ў 32**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи
Муҳаррир

О.Қиличбоев
А.Умаров

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича методик тавсиялар: Метод. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи О.Қиличбоев; Муҳаррир А.Умаров.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-24 б.

**КБК 66.3 (5 Ў)+78.342
87.7+78.342**

Ушбу қўлланмада ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) ва ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ҳамда кутубхоналарда мазкур китобни ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича методик тавсиялар берилган.

Қўлланмадан ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналарнинг мутахассислари, маънавият ва маърифат олами билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008 йил.**

Муқаддима

“Маънавият – инсонни руҳан поклашиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавият ҳақидаги бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда “Маънавият” нашриёти томонидан чоп этилган “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобидан ўрин олган.

Китобнинг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган ғоя ва қарашлар бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятга эга.

Муаллифнинг маънавият ҳақидаги, унинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва таъсири тўғрисидаги кўп йиллик кузатишлари, фикр-мулоҳазаларининг маҳсули бўлган бу асар ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асослангани билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади.

Китобда маънавият тушунчасининг илмий-назарий, тарихий ва замонавий тамойиллари ҳар томонлама чуқур ифодасини топган, шу билан бирга, бугунги мураккаб даврда маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг кучайиб бораётгани ва бундай хатарларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилган.

Маълумки, бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Бу ҳақиқат давлатимиз раҳбарининг олдинги асарларида ҳам кенг шарҳлаб берилган эди. Мазкур китобда бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилади. Жамият ҳаётида, инсонлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган тақдирда уни бегона мафкура ва қадриятлар билан тўлдиришга уринадиганлар албатта топилиши ҳаётий мисоллар орқали исботлаб берилади.

Бу китоб бугун остонамизга ёпирилиб келаётган ана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этиб, барчамизни яна бир бор сезгирлик ва ҳушёрликка даъват қилади, эл-юртимиз, ёшларимизни турли хил мафкуравий хуружлардан асраш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб беради.

Муаллиф ўз китобида инсонни юксалтирадиган эзгу фазилатлардан бири бўлмиш маънавий жасорат ҳақида тўхталиб, *“бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз”*, – деб ёзади.

Шу маънода, бу китоб ҳар биримизни маънавий жасорат кўрсатиб, доимо юксак мақсадларни кўзлаб яшашга чорлаши билан, айникса, муҳим аҳамиятга эгадир.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” КИТОБИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ УЮШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Ушбу китобда истиқлол даврида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар, ислохотларнинг маънавий мезонлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек, *“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”*.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги ва эртанги ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган ғоят муҳим ва ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва кучга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг аниқ хавфи ҳақида ҳар томонлама мушоҳада юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни огоҳ этиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратишга даъват этиши билан улкан аҳамият касб этади.

Китоб муқаддима ва тўртта бобдан иборат бўлиб, ўз навбатида уларнинг ҳар бири кичик бўлимлардан ташкил топган. Биринчи боб “Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”, иккинчи боб “Мустақиллик –

маънавий тикланиш ва юксалиш”, учинчи боб “Маънавиятга таҳдид – ўзликимиз ва келажагимизга таҳдид”, тўртинчи боб “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” деб номланади.

Биринчи бобда маънавият, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, маънавиятнинг шакллантирадиган асосий омиллар, маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Китобнинг иккинчи бобда миллий ғоя, ўзликни англаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг маънавий мезонлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Учинчи бобда глобаллашув даврида маънавий оламимизни турли салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар хусусида батафсил мулоҳаза юритилган.

Тўртинчи бобда эса инсон ва жамиятнинг маънавий дунёси, маънавиятнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган.

Ушбу асар халқимиз, кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Асар ҳақида матбуотда, радио ва телевидение орқали зиёлилар, мутахассислар ҳамда олимларнинг самимий фикрлари билдирилмоқда.

Бу китоб уни мутолаа қилган ҳар бир кишини бугунги ўзгараётган, глобаллашаётган, “оммавий маданият” таъсирини ўзида ҳис этаётган дунёнинг муҳим маънавий муаммолари хусусида ўйлашга, фикр юритишга ва ўзи, келажаги учун тегишли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Шу маънода “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ўқувчилар, талабалар, олим ва тадқиқотчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, умуман олганда, маънавият ва маърифат дунёси билан қизиқувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби тақдимотининг намунавий

СЦЕНАРИЙСИ

Китобнинг тақдимотини ташкил этишга маънавият тарғибот маркази ходимлари, сиёсатшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, файласуфлар, дин арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилиш мумкин.

Тадбир ўтказиладиган жойда маънавият ҳақидаги кўргазмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тадбирни олиб борувчи куйидаги сўзлар билан очиши мумкин: *(Сўзга чиқувчиларнинг нутқлари намуна сифатида берилмоқда)*

Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгач, миллий сиёсатимиз ва дунёқарашимизда маънавият масалалари муҳим ўрин тута бошлади. Маънавият янгича дунёқарашни шакллантириш, халқда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, буюк аждодлар анъанасини давом эттириш борасида ишончли асос вазифасини бажармоқда.

Мустақиллигимиз туфайли янгича онг ва юксак маънавият учун кураш чинакам давлат сиёсатига айланди. Ўтган йиллар мобайнида бу йўналишда улкан қадамлар қўйилди. Халқимизнинг онги ва дунёқарашини тубдан ўзгармоқда ва бу жараён тобора чуқурлашиб, янада кенг миқёс касб этмоқда .

Маънавиятли одам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни шакллантириш, тарбиялаш ва етуклик даражасига кўтариш лозим бўлади.

Маънавиятимизни юксалтиришда зиёлиларнинг масъулиятли ва шарафли ўрни бор. Улар халқимизнинг, хусусан беғубор ёш қалбга маърифат, поклик, чин инсонийлик, меҳнатсеварлик уруғларини экмоқлари лозим.

Токи бу қалблар мустақил ва озод диёримизга чин садоқат ҳамда иймон нури билан мунаввар бўлсин. Шунинг учун ҳам юртбошимиз И.А.Каримов “Маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир” деб таъкидлаганлар.

Бугун Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби тақдиротиға маънавият тарғибот маркази ходимлари, сиёсатшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлар, кенг жамоатчилик вакиллари ни таклиф қилганмиз. Ҳозир сўз навбатини уларға берамиз. Марҳамат.

Биринчи сўзға чиқувчи: Мустақилликдан бир йилу тўрт ой олдин Олий Кенгашнинг сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов маъруза қилган. Ўша маърузада айтилган битта фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. “Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодға, унинг маънавий тарбиясиға ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак”.

Азиз дўстлар, энди ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, муаллифнинг қалб тубидан отилиб чиққан бу сўзлар, сўзлар эмас, ўн йиллар олдинға мўлжаллаб айтилган дастурий режалар Олий Кенгаш минбаридан туриб баён қилинган пайтда, яъни 1990 йилнинг бошида, ҳали совет империяси нафақат бизнинг республикамизға, керак бўлса, бутун дунёға дағдаға қилиб, ҳукмини ўтказиб турган даврда юртимиздаги, ён-атрофимиздаги вазият қандай эди?

Ҳали орадан кўп фурсат ўтгани йўқ, ўша 18-19 йил олдинги ҳаёт манзараларини ҳозир ҳам кўпчилик яхши эслайди. Ўша пайтлари СССРнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида қонли тўқнашувлар, уруш ва тўпалонлар, норозилик

намойишлари авж олган эди. Заводлар тақа-тақ тўхтаган, дўконлар, бозорлар пештахталари бўм-бўш, кўпчилик ишсиз, совет пули кун сайин қадрсизланиб, инфляция даражаси мисли кўрилмаган даражада ошиб бораётган эди. Эртага нима бўлиши, 70 йилдан зиёд вақт мобайнида халқни қийнаб, талаб келган мустабид тузум одамлар бошига яна қандай кулфатлар келтиришини ҳеч ким олдиндан айтолмас эди.

Аҳоли оддий кундалик маҳсулотларни олиш учун эрта саҳардан туриб ўзи учун бириктирилган дўконларга бориб навбатда турар эди. Баъзан бир кило ун, бир кило шакар устида қанча ур-йиқит ва тўполонлар бўлганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бу гаплар кўзи бозорларимиздаги, дўконларимиздаги тўкинчиликка ўрганиб қолган, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган бугунги ёшлар учун қандайдир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин катта авлод вакиллари шуларнинг барчасини кўрган, бошидан ўтказган. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат.

Мана шундай ўта қалтис ва таҳликали вазиятда республика раҳбари ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатиб, халқимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бошқа кўплаб масалалар қатори маънавий масаласини, ёш авлодни тарбиялаш, қаердан бўлса ҳам маблағ ва имконият топиб уларни замонавий талаблар асосида ўқитиш, керак бўлса, дунёнинг тараққий топган мамлакатларига таълим олиш учун юбориш масаласини кун тартибига шундай қатъий қилиб қўйгани кишини ҳайратга солади. Бунинг учун одамда қандай кучли ирода, қандай улкан жасорат, ўз эли, ўз юрти учун фидоийлик керак. Китобда мана шундай катта ҳайрат ва ҳаяжон билан ўқиладиган, одамни кечаги тарихимиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни ҳар томонлама чуқур англашга хизмат қиладиган ўринлар жуда кўп.

Иккинчи сўзга чиқувчи: Дархақиқат, истиқлолимизнинг дастлабки кадамларидан бошлаб оқимий-маданий ҳаётимизда, таълим ва тарбияда маънавиятга, хусусан, миллий ва умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир маърузасида, асарларида маънавият миллий ўзлиқни англашда муҳим ва ҳал қилувчи восита эканлигини алоҳида уқдириб келади. Шу боис, ўтган йиллар давомида олим ва мутахассислар бу тушунчани шарҳлашга, унинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини англашга ҳаракат қилдилар. Аммо эътироф этиш керакки, ҳеч муболағасиз муаллиф ушбу китобда “маънавият” сўзининг маъно-моҳиятини ҳар жиҳатдан мукамал даражада очиб берган.

“Инсониятнинг кўп йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, – деб ёзади муаллиф, – дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойлиқларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.

Учинчи сўзга чиқувчи: Китобда маънавиятимизга бўлаётган турли кўринишдаги таҳдидларга алоҳида эътибор берилади. Маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида маънавий илдизлари заифлашган халқ энг оддий хавф хатар олдида ҳам ожиз бўлиб қолади. Бугун дунёдаги катта-кичик ҳар бир мамлакат она сайёрамизнинг дуч келган чорраҳасида ўз манфаатини қидириб, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда, аввало, ўз

манфаатларидан келиб чиқар экан, янада хушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган “мафтункор, жозибали” воситалардан, жумладан интернет, радио ва телевидение имкониятларидан, чиройли кўриниш ва манзараларга буркалган кўп серияли кино маҳсулотларидан, оммавий ахборот воситаларидан ғоятда унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ва имкониятлар ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўллардан оғдиришга қаратилади.

Давлатимиз раҳбари ҳамиша таъкидлаганидек, бу гал ҳам бизни, бутун халқимизни, айниқса келажагимиз, эртанги кунимиз бўлган фарзандларимизни мана шу хавфдан огоҳ қилмоқда: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий, информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман... Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади”.

Тўртинчи сўзга чиқувчи: Баъзи китоблар онгимизга таъсир қилади ва онгимизни бойитади. Баъзи китоблар эса онгимиз ва қалбимизни бойитади. Бу китоб эса, ҳам онгимизни ҳам қалбимизни бойитадиган асардир. Мазкур китобнинг файзи ҳам шунда. Қалбимизни ғурур ва ишонч билан тўлдиради, десак муболаға бўлмайди.

Китобнинг яна бир хусусияти муаллиф айтган сўзини ҳужжат билан исботлайди ва ўзи амал қилади. У

маънавиятга таъриф бериб, “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”. Демак, сўз билан иш бирлашса, қалб билан онг бирлашсагина юксак маънавият пайдо бўлади.

Бешинчи сўзга чиқувчи: Китоб муаллифи содда тилда тушунтириб бераётган ва биз алоҳида эътибор беришимиз лозим бўлган яна бир муҳим фикр шуки, маънавиятни тушуниш ва англаш учун, аввало, инсонни тушуниш ва англаш зарур. Демак, маънавият инсоннинг руҳий олами, комиллик сари интилиши, одоб-ахлоқи, ўзи мансуб бўлган халқ тарихи, урф-одатлари ва кадриятларига муносабатини кўрсатувчи ўзига хос кўзгу ҳамдир. Маънавият енгилмас куч эканлиги боиси ҳам шунда. Зеро, руҳий олами пок, ўзини, ўзлигини англаган, Ватани тарихидан бохабар, келажакка ишончи мустаҳкам, имон-эътиқоди бутун кишига ҳеч қандай куч таъсир ўтказма олмайди.

Олтинчи сўзга чиқувчи: Тўқсонинчи йилларнинг бошлари... Собиқ тузумдан бизга қандай мерос қолгани ёдимизда. Иқтисод пароканда бўлган, халқнинг турмуши бениҳоя оғирлашган бир пайт. Ўшанда, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам чегара, ҳам молия, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар билан баробар шуғулланишга тўғри келган эди. Бу соҳаларда тўпланиб қолган муаммолар ечимини бир зумга бўлсин, кечиктириш мумкин эмасди. Шундай бир пайтда давлатимиз раҳбари тарихий хотира, маънавий мерос,

маънавият, таълим ва тарбия, дин ва диний кадриятларга муносабат масалаларини янги мустақил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, мустақилликни сақлаб қолиш ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида эътироф этди. Муаллиф ўз китобида “Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва, **охир-оқибатда, жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин эди**” деб таъкидлайди.

Олиб борувчи: Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан биз улуғ аجدодларимизнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлдик. Миллат ўзлигига қайтди. Бугунги тадбиримизга хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Чунки у халқимизнинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган буюк маънавият соҳиби эканини, аждодларимизнинг қандай улуғ зотлар бўлганини, она-юртимизнинг бекиёс имкониятларини кўз олдимизда ёрқин гавдалантириб беради. Муаллиф ҳақли равишда эътироф этганидек “Ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз – бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз”.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

“Маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди.... У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради”.

“Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашни, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим”.

“Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”.

“Маънавият – инсонийликка олиб борадиган йўлдир”.

“Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо

меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган”.

“Биз кишиларимизнинг тафаккур тарзи, бугунимиз ва келажагимиз истиқболи кўп ҳолларда халқларимиз жаҳоннинг маданияти хазинасига қўшган маънавий кадриятларнинг тарихий моҳиятини англаш ва чуқур идрок этиш билан белгиланишини унутмаслигимиз лозим”.

“Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”.

“Маънавият инсонга сувдек, ҳаводек зарур”

“Маънавият йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”

“Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир”.

“Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”.

“Агар инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”.

“Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин”.

“Маърифат – инсоният боғининг гўзал дарахти, маънавият – одамийлик хазинасининг гавҳаридир”.

“Маънавият турли халқлар, мамлакатлар, кишиларни қон-қариндош қилади, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган”.

“Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади”.

“Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.... Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди”.

Қуръони Каримдан

“Мўминларнинг ва илмли уламоларнинг даражасини Оллоҳ таоло кўтаради”

(“Мужодала сураси, 11-оят”).

“Эй Худойим, менга илмларни зиёда қилиб бергин”

(“Тоҳо” сураси, 114-оят).

“Билган кишилар билмаган кишилар билан баробар бўла оладими?”
 (“Зумар” сураси, 9-оят).

Ҳадиси Шарифдан

“Билим излаш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир”.

“Бешикдан қабргача илм изла”.

“Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”.

“Билим йўлини излаган кишига Оллоҳ таоло жаннат йўлини очади”.

МАЪНАВИЯТ – ОЛИЙ СИФАТ

Маънавият – одамийликнинг бош омили.
Маънавият – ақл бойлиги.
Маънавият – ғоя ва эътиқодни белгилайди.
Маънавий камолат – ўз-ўзини таний билиш.
Маънавият энг аввало шахснинг ўзи учун, сўнгра эса жамият учун энг зарур эҳтиёждир.
Инсоният сифатларининг йиғиндиси маънавиятда.
Инсон кадр-қимматининг аҳволи маънавиятга боғлиқ.
Имону эътиқод – маънавиятнинг ҳосили.
Маънавият бор жойда жаҳолат бўлмайди.
Маънавий соғломлик – бахт.
Маънавиятнинг кучи – билимлиликда.
Маънавиятнинг бир қаноти заковат, иккинчи қаноти иқтисоддир.
Иқтисодий қашшоқликдан, маънавий қашшоқлик ёмон.
Иқтисодий тўқ бўлиб, маънавий оч бўлган одам машаа тўғдириб юради.
Инсоннинг ҳайвондан фарқи, унинг яшаш тарзи ва маънавиятида.
Маънавий уйғониш ақл кўзини очади.
Маънавият – муҳит ва шароитга боғлиқ.
Маънавиятли одам ҳур фикрлидир, чунки у беъмани гапирмайди ва ҳар бир айтгани манзур бўлади.
Маданият – маънавиятнинг фарзанди.
Маънавият тарбияси – камолот дорилфунуни.
Маънавиятнинг кўзгуси – турмуш тарзи ва тил.
Оила – маънавиятнинг бешиги.
Маънавий бойлик – бахт эшигининг калити.
Ҳаётнинг комиллиги маънавий ва моддий тўқисликдан иборат.
Маънавий бойлик – моддий бойликдан устун.
Маънавият – умр мазмуни.

Маънавиятни тарбиялашда ислом динининг хизмати беқиёс.

Маънавияти ёруғ одам бошқаларнинг ҳам бағрини ёритиб юради.

Хонадон билан мактаб – маънавият ўчоқлари.

Хурофот – маънавиятнинг душмани.

Маънавиятсизлик фаросатсизлик ва қашшоқликдир.

Маънавият – жамият пойдевори.

“Маънавият – миллат нишони” мавзуида китоб-расмни кўргазма тайёрлашнинг тахминий режаси

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради. Кўргазма қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

1. Маънавият – комиллик саодати.

“Мен XXI асрни маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъий ишонаман”.

И.Каримов

Бу бўлимга Президентимиз И.А. Каримовнинг асарлари қўйилади.

2. Маънавият илдизлари

“Халқимизнинг маънавий пойдевори – бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди”.

И.Каримов

Бу бўлимга ўзбек миллий маданияти қадриятлари тарихи, машҳур аждодларимизнинг асарлари, истиқлол **маънавиятимизнинг** илдизлари кўрсатиб берилган адабиётлар қўйилади.

3. Маънавият, маърифат, тарбия, мафкура

“Биз учун руҳий-маънавий куч қувват манбаи, илмий асос – бу миллий зоя, миллий мафкура бўлиши шарт”.

И.Каримов

Бу бўлимга маънавият, маърифат, тарбия ҳамда мафкура масалаларига доир олимларнинг асарлари, фикр-мулоҳазалари жам бўлган адабиётлар қўйилади.

4. Ислом ва маънавият

*Дин халқ маънавиятининг,
маърифатининг юксалишига катта
ҳисса қўшиб келган.*

И.Каримов

Бу бўлимга диний ва дунёвий адабиётлар мажмуи, ислом оламининг йирик мутафаккирлари : Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, буюк алломалар: ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, Замахшарий, Улуғбек, Алишер Навоий сингари алломаларимизнинг асарлари қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидаги асосий қоидалар, тушунчалар, хулосаларни ёритиб бериш ва ўрганишга қаратилган тадбирлар туркуми

Т/р	Тадбирнинг номи ва мавзуси	Қатнашувчилар
1.	Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби тақдироти	Маънавият тарғибот маркази ходимлари, сиёсатшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлар, кенг жамоатчилик вакиллари
2.	“Юксак маънавият – енгилмас куч” мавзуида адабиёт-ларнинг очик кўргазмаси	“-----“
3.	“Шарқнинг маънавий мероси” рукни остида ислом оламининг йирик мутафаккирлари: Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, буюк алломалар: Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа алломалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида суҳбатлар,	“-----“

	библиографик обзорлар, адабиётлар кўргазмаларини ташкил этиш	
4.	“Ёшлар ва маънавият” мавзуида китобхонлар конференцияси	“-----“
5.	“Огоҳлик – муқаддас бурч” мавзуида давра суҳбати	Ҳуқуқ тартибот органлари ходим- лари, диншунослар, ёшлар, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари
6.	“Ислоҳ – маънавият гултожи” мавзуида давра суҳбати	Маънавият тарғибот маркази ходимлари, диншунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлар, кенг жамоатчилик вакиллари
7.	“Ёшлар маънавиятини шакллантиришда ахборот- кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона ларнинг роли” мавзуида давра суҳбати	Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг мутахассислари, ўқитувчилар, ижодкор зиёлар, кенг жамоатчилик вакиллари
8.	“Маънавиятимизнинг ҳаётбахш қудрати” мавзуида учрашув кечаси	Маънавият тарғибот маркази ходимлари, сиёсатшунослар, адабиётшунослар,

		тарихчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлар, кенг жамоатчилик вакиллари
--	--	---

Адабиётлар

Каримов И. А. Асосий мақсадимиз юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.- Т.: Ўзбекистон, 2007. - 48 б.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз.- Т.: Ўзбекистон, 1999.-Ж.7. - 413 б.

Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.-Т.: Ўзбекистон.- 2003.-Ж.11. - 320 б.

Каримов И. А. Биз учун халқимиз, Ватанамиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ: Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида сўзланган нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2001. - 80 б.

Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.- Т.: Ўзбекистон, 2001.-Ж.9. - 2001. - 440 б.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.- Т.: Ўзбекистон, 1996.-Ж.3. - 366 б.

Каримов И. А. Ватанамиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир = Преданно служить Родине и своему народу - высшее счастье: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV курултойидаги маърузаси.-Т.: Ўзбекистон, 2007. - 80 б.

Каримов И. А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир.- Т.: Ўзбекистон, 2007. - 64 б.

Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин: "Тафаккур" журнали бош муҳаррирнинг саволларига жавоблар.- Т.: Ўзбекистон, 1998. - 30 б.

Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Респ. Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида сўзланган нутқи. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 32 б.

Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди = При империи нас считали людьми второго сорта: Президент Ислоом Каримовнинг "Независимая газета" мухбирининг саволларига жавоблари. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 64 б.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари- олий қадрият.- Т.: Ўзбекистон, 2006.- Ж. 14. - 280 б.

Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият.- Т.: Ўзбекистон, 1994. - 160 б.

Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Ж. 15.- 320 б.

Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёти даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир.- Т.: Ўзбекистон, 2007. - 200 б.

Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида: Тарих, маърифат, маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 480 б.

Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: "Fidokor" газетаси мухбири саволларига жавоблар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.- 40 б.

Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили: Давлат ва жамият қурилиши

академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ.- Т.: Ўзбекистон, 1995. - 24 б.

Каримов И.А. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз: "Туркистон" газетаси мухбири саволларига жавоблар.-Т.: Ўзбекистон, 1999. - 31 б.

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Ж.13.-Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.- Т.: Ўзбекистон, 2005. - 144 б.

Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 2007. - 48 б.

* * *

Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1995

Тақриз: Истиқлол ва маънавият // Халқ сўзи.-1995.-21 март.

Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари // Халқ сўзи.-1992.-31 авг.

Бебаҳо ва зарур асар: [Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президент Ислом Каримовнинг “Маънавий юксалиш йўлида” асарининг тақдироти бўлиб ўтди] // Тошкент окшоми.-1999.-8 фев.

Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли: [Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Респ. Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси] // Мулкдор.-2003.-25 апр.

Султонмурод Олим. Маънавият. Масъуллик: Ислом Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият” китоби ҳақида мулоҳазалар // Тафаккур.-1995.-№ 3-4.-Б. 14-18.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг тақдирот маросими: [Президент Ислом Каримовнинг шу номдаги китоби ҳақида] // XXI аср.-2008.-15 май.

Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БААда чоп этилган араб тилига таржима қилинган китоби ҳақида] // Фидокор.-2000.-19 сент.; Тошкент ҳақиқати.-20 сент.

Қуронов М. “Ўзбек мўъжизаси”нинг енгилмас кучи // Халқ сўзи.-2008.-2 июль.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 7 июль

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 1.5 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 79

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33.